

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2026 йил январь ойининг 13 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Исаков,

ҳайъат судьялари: У.Имомова ва Ф.Собировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Хасановнинг котиблигида, Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Иминов, судланувчи И.Ташланов ва унинг ҳимоячиси Б.Умаров, судланувчи Л.Рахимов ва унинг ҳимоячиси И.Рахимовларнинг иштирокида, судланган И.Ташланов ва бошқаларга оид жиноят ишини судланганларнинг апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2025 йил 20 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ:

Ташланов Икромжон Одилжонович, 1984 йил 19 февралда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Жалақудук туман судининг 2021 йил 21 январь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖК 59,61-моддалари тартибида 4 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 03.12.2021 йилдаги ажримига кўра ўталмай қолган 3 йил 2 ой 8 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг 29.03.2023 йилдаги ажримига кўра ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 11 март кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖК 59,60,61-моддалари тартибида 3 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2025 йил 12 июнь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖК 59,61-моддалари ва 59-моддасининг 8-қисми тартибида 3 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, “Vodiy-Chorva Market” МЧЖ норасмий раҳбари, Олтинкўл тумани, Сувюлдуз МФЙ, Айрончи кўчаси, 217а-уйда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган;

Рахимов Лочинбек Азизович, 1984 йил 19 февралда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2012 йил 13 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2014 йил 13 февралдаги ажримга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан юритилган жиноят иши 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2015 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 10 октябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 11 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга



ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2019 йил 14 декабрь кунги ажримига кўра ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари озод этилган, 2023 йил 14 декабрда судланганлик ҳолати тугалланган, “Vodiy-Chorva Market” МЧЖ раҳбари, Андижон шаҳри, Бунёдкор МФЙ, Қўшариқ даҳаси 62-уй, 57-хонадонда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Судланувчи И.Ташланов ва Л.Рахимовлардан жиноят оқибатида етказилган 2.242.723.600 сўм моддий зарар Андижон вилоят ДСБ фойдасига солидар тартибда ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи И.Ташланов ўзига олдиндан таниш бўлган судланувчи Л.Рахимов билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, “Vodiy-Chorva Market” МЧЖга 22.05.2024 йилда Л.Рахимовни раҳбар сифатида Андижон шаҳридаги давлат хизматлари марказидан давлат рўйхатидан ўтказиб, И.Ташланов жамият фаолиятини норасмий раҳбар сифатида бошқариб келишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 30.10.2018 йилдаги ПФ-5564-сонли Фармонидаги 1-қисми “г” бандидаги улгуржи савдо корхоналарига ўзининг фирма дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд тушумни белгиланган тартибда инкассация қилиш (банкларга топшириш) шарти билан рухсат берилиши каби имкониятлардан ғаразли ва бошқа паст ниятларда фойдаланиб, жамиятда 2023-2024 йиллар давомида 14.773.007.200 минг сўмлик товарларни нақд пулга сотиб, товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириб, уларни йўқ қилиб, назорат касса машинасига кирим қилиб, аммо ундан тушган маблағларни банк муассасасидаги ҳисоб-рақамига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликда;

шунингдек, И.Ташланов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Л.Рахимов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб,



Л.Рахимов рахбарлигидаги “Vodiy-Chorva Market” МЧЖни норасмий равишда бошқариб келиб, ушбу жамият фаолияти юзасидан 2023-2024 йилда солиқ органларига топширган ҳисоботларда 16.512.165.127,8 сўмлик кириш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарлар реализация қилганлиги оқибатида ҳисоботларга нисбатан 2.235.652.200 сўм фойда солиғи, 58.928.600 сўмлик товарларни сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммаси солиқ солиш базасига қўшилмаганлиги натижасида 7.071.400 сўм қўшилган қиймат солиғи бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланиши лозим бўлган солиқларни қасддан яшириб, бюджетга тўланиши лозим бўлган жами жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи 2.242.723.600 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда айбли деб топилганлар.

Судланган И.Ташлановнинг апелляция шикоятда, ушбу жиноят ишидан ташқари яна дастлабки тергов ва судларда бошқа ишлари ҳам кўриляётгани сабабли, унга тайинланган жазо муддатини камайтириб беришни сўраган.

Судланган Л.Рахимовнинг апелляция шикоятда, ушбу иш бўйича шериги И.Ташланов дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди жараёнларида барча айбларни ўз бўйнига олгани, унинг айби фақат юқоридаги МЧЖни ўзининг номига очиб бергани, электрон калит ва печатларни И.Ташлановнинг ўзи олиб кетиб фойдалангани, МЧЖни фаолиятини шеригининг ўзи юритганини тан олган бўлса-да, уни ноҳақдан шерик қилиб айблагани, шу сабабли ишни одилона кўриб чиқишни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича вилоят суди судьяси Ф.Собировнинг маърузасини, ҳимоячи И.Рахимов, Б.Умаров, судланган И.Ташланов ва Л.Рахимовларнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш, прокурор М.Иминовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмининг Л.Рахимовга ва фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартиришни, ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи И.Ташланов апелляция инстанцияси судида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, аслида суд ҳукмининг ўзига оид қисмидан норози эмаслигини, фақат бундан ташқари ҳозирда яна биринчи инстанция судида ва дастлабки терговда бошқа ишлари кўриляётганини кўрсатиб, жазосини енгиллатиб беришни, бундан ташқари шериги Л.Рахимовни ушбу ишда иштирокчилик даражасини инобатга олиб, унга ҳам қонуний енгиллик берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи Л.Рахимов апелляция инстанцияси судида, айбига қисман иқрор бўлиб, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ушбу иш бўйича шериги И.Ташланов дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди жараёнларида барча айбларни ўз бўйнига олгани, унинг айби фақат юқоридаги МЧЖни ўзининг номига очиб бергани, электрон калит ва печатларни И.Ташлановнинг ўзи олиб кетиб фойдалангани, МЧЖни фаолиятини шеригининг ўзи юритганини тан олган бўлса-да, уни ноҳақдан шерик қилиб айблагани, шу сабабли ишни одилона кўриб чиқишни сўраб, кўрсатув берди.



Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган И.Ташланов ва Л.Рахимовларнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, судда текширилган далиллар—судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди мажлисида уларнинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, тақдим қилинган ҳужжатларни олиш баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, гувоҳларнинг суддаги кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд ишончга сазовор далиллар мажмуи билан тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, судланган И.Ташланов ва Л.Рахимовларнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 1-бандида, суд ҳукми, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги жиноят суд иш юритувининг асосий вазифаларини ҳал этадиган, суд муҳокамасига яқун ясайдиган Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг муҳим ҳужжати экани, 2-бандида, суднинг ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кераклиги ҳақида тушунтирилган.

Суд, судланган И.Ташлановга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, у содир этган жиноятни хавфлилик даражасини инобатга олиб, қонун санкцияда назарда тутилган доирада озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, шунингдек ЖК 59,59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазога



илгарги ҳукм билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Иш ҳужжатларида аниқланишича, судланган Л.Рахимовга жиноят оқибатида етказилган зарарларни аниқлаб ва муҳокама қилиб, Андижон вилоят солиқ бошқармасини ўрганиш маълумотномасида тафтиш натижасида қўшимча тўловга ҳисобланган солиқларни жамият раҳбарлари фаолияти даври бўйича ўрганилганида Ж.Исломов ишлаган даврлар 02.06.2023 йилдан 22.05.2024 йилга қадар бўлган даврда жамият томонидан 2023 йилда 1.118.125.000 сўм, 2024 йил январь-апрель ойларида 687.500.000 сўм жами 1.805.625.000 сўм товар айланма амалга оширилганлиги ушбу даврда жамият томонидан топширилган ҳисоботларда 31.277.529 сўм миқдорида солиқлар кам ҳисобланганлиги, Л.Рахимов ишлаган даврлар 22.05.2024 йилдан 12.09.2024 йилга қадар бўлган даврда жамият томонидан 2024 йил май-июль ойларида жами 32.245.617.782 сўм товар айланма амалга оширилганлиги, ушбу даврда жамият томонидан 14.773.007.242 сўмлик кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган маҳсулотлар реализация қилинганлиги натижасида 2.210.446.086 сўм миқдорида фойда солиғи қўшимча тўловга ҳисобланганлиги аниқланган.

Судлов ҳайъати шунга кўра Л.Рахимовнинг зиммасидан 32.277.529 сўм миқдоридаги зарарларни чиқаришни, 2.210.446.086 сўм миқдоридаги фойда солиғи давлат бюджетига етказилган зарарларни судланган Л.Рахимов ва И.Ташлановдан солидар тартибда ундириш ҳақида фуқаровий даъвога оид қисмига аниқлик киритишни лозим топади.

Биринчи инстанция суди, Л.Рахимовга жазо меъёрини ва турини, ўташ тартибини танлашда у айбланаётган моддалари билан ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, у содир этган жиноятни хавфлилик даражасини инобатга олиб, қонун санкцияда назарда тутилган доирада ва жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тўғри тайинлаган бир вазиятда, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилаб хатога йўл қўйган.

Судланган Л.Рахимов жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2015 йил 23 декабрь кунги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 10 октябрдаги ажрими билан ўталмай қолган 3 йил 11 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддаси тартибида шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2019 йил 14 декабрь кунги ажрими билан уни ўталмай қолган 1 йил 11 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, 2023 йил 14 декабрда судланганлик ҳолати тугалланган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 77-моддаси талабига кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганлик ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади деб белгиланган.

ЖКнинг 78-моддаси биринчи қисмининг “д” бандида, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин-тўрт йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши белгиланган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси юқоридаги қонун талабларига мувофиқ Л.Рахимовга жазони ўташ тартибини қаттиқ тартибли колониядан манзил-колониясига ўзгартиришни, биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазо меъёри ва турини аслича қолдиришни лозим топди.

Судланган И.Ташланов ва Л.Рахимовларнинг шикояти ва кўрсатувларидаги, тайинланган жазони енгиллатиб бериш ҳақидаги важлари билан судда қайта текширилган ва ўз исботини топган фактик ҳолатларни яъни унинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида бир хил мазмундаги айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, тақдим қилинган ҳужжатларни олиш баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан тасдиғини топганлиги, улар айбланган қонун моддаларини санкцияси доирасида жазо тайинлангани учун ушбу важлари билан келишмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶-моддаси 1-бандига мувофиқ, апелляция инстанцияси, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини, протестини эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шунга кўра, судлов ҳайъати, И.Ташланов ва Л.Рахимовга оид суд ҳукмининг Л.Рахимовга оид қисмини жазони ўташ тартиби колония турини ўзгартиришни ва фуқаровий даъвога оид қисмига аниқлик киритишни, ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз, И.Ташлановнинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни, Л.Рахимовнинг апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497¹⁹, 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ташланов Икромжон Одилжонович ва Рахимов Лочинбек Азизовичларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2025 йил 20 ноябрдаги ҳукмининг Л.Рахимовга оид қисми ўзгартирилсин.

Л.Рахимов озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил-колонияда ўташи белгилансин.

Суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмига Л.Рахимовнинг зиммасидан 32.277.529 сўм миқдоридаги зарарларни ундириш чиқариб ташлаш, 2.210.446.086 сўм миқдоридаги давлат бюджетига етказилган зарарларни судланганлар Л.Рахимов ва И.Ташлановдан солидар тартибда, судланган И.Ташлановдан 32.277.529 сўм моддий зарар давлат бюджетига ундиришни белгилаш ҳақида аниқлик киритилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, Л.Рахимовнинг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин, И.Ташлановнинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Исаков

Ҳайъат судьялари

У.Имомова

Ф.Собиров



Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

Ф.Собиров

Ҳужжат имзоланган: Собиров Фурқат Одилжонович, 14.01.2026

